

## Шатранж ўйини

Инсоннинг чиниқиши ақлий ва машқий жиҳатдан бўлади. Бу эса мусобақаларга эътиборни кучайтиради.

2018-йил 25-апрел куни 3-талабалар турар жойида талаба ёшларни бўш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказиш ва спортга бўлган қизиқишларини янада юксалтириш мақсадида талабалар турар жойида яшовчи талаба ёшлар ўртасида спортнинг “шахмат” тури бўйича мусобақа ўтказилди. Ушбу мусобақада “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети, “Иқтисодиёт ва менежмент” факультети, “Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва Автоматлаштириш” факультети талабалари фаол қатнашдилар. Мусобақада “Иқтисодиёт ва менежмент” факультетининг 4-босқич талабаси Бойтемиров Завқлибек 1-ўринни ва “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети 3-босқич талабаси Назаров Ўлмас 2-ўринни ҳамда “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети 1-босқич талабаси Оролов Элбек 3-ўринни қўлга киритдилар. Мусобақа якунида ғолиб талабалар ётоқхона маъмурияти томонидан диплом ва эсталик совғалар билан тақдирландилар.



**3-ТТЖ тарбиячи-педагоги Азиза Хаитова ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов.**